

ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА ВА УНИНГ МАҚСАДИ
ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ СОҲАСИ
СИФАТИДА

Эшпулатова Азиза Алишер кизи ,

НДПИ магистранти;

Хар бир шахсда ижтимоий-касбий фазилатларни шакллантириш ижтимоий фаолият жараёнида содир бўлиб, бунда шахсининг ўзгариши – шаклланиши ва ривожланиши жадал суръатлар билан боради. Тарбиявий жараён ва унинг ахамияти субъектининг фаол таъсирини тарбиявий таъсир объекти ўзида жамлаштиришга интилади. Таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар билан уюштирилаётган – тарбиявий тадбирларни режалаштириш ва ташкил этишга мажмуавий ёндашиш, ўқувчи шахсини ривожлантиришга қаратилган таълим ва тарбия технологияларидан самарали фойдаланиш замон талаби бўлиб қолмоқда. Шу сабабли таълим-тарбия жараёнини тизимли амалга ошириш учун ўқувчи шахсида содир бўладиган ўзгаришларни педагог томонидан ўзига ҳос усуллар ёрдамида “ўлчаб” - диагностика қилиб борилиши ундаги маънавий-ахлоқий фазилатларларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнига мақсадли таъсир қилиш орқали режалаштирилган натижаларга кафолатли эришишни таъминлайди. Педагогик диагностика натижаларига асосланиб таълим олувчиларнинг таълим-тарбиясидаги муаммоларни аниқлаш, уларнинг шахсий хислатлари, ижтимоий ва касбий зарур сифатларининг шаклланганлик даражаларини муайян миқдорларда ўлчаш ва баҳолаш, таълим-тарбия тадбирларининг мақсад ва йўналишларини аниқ белгилаш мумкин.

Педагогик диагностиканинг умумий **мақсади** – ўқувчиларни келажак ҳаётга тайёрлаш, уларни мустақил бўлишга ўргатиш, ижтимоий муҳитда ўзларини тўғри тута билишлари ва яқин истиқболдаги фаолиятларини мақсадга мувофиқ равишда режалаштиришларида ёрдам бериш, баркамол

бўлишга интилиш эҳтиёжини шакллантириш, зарур бўлганда эса, таълим-тарбия ҳамда ижтимоий ва касбий зарур сифатларининг ривожланиши жараёнига салбий таъсир этаётган (ёки таъсир этиши мумкин бўлган) омилларни аниқлашдир [1].

“Хар бир конкрет шахсда нимани диагностика қилиш керак?” деган саволга жавоб бериш учун ўқувчиларнинг таълим олганлик ва тарбияланганлик мезонларини аниқлаб олиш керак. Ана шундай мезон сифатида баркамол шахс моделини олиш мумкин. Чунки бу моделга асосан инсон ахлоқий, жисмоний, аклий, меҳнат ва эстетик тарбияланганликнинг ўзаро уйғун муносабати жараёнида шаклланади.

Айни кунларда купчилик диагностика методикаларида ўқитиш сифати “педагогик фаолият самарадорлиги мезони” билан белгиланади. Бунда унинг мазмуни, йўналганлиги, тарбиявий таъсирнинг сифати назарда тутилади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўқувчиларни бундай диагностика қилиш етарлича самара бермас экан. Чунки ўқувчининг тарбияланганлиги педагогик фаолиятнинг энг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади [2, 67-68; 3, 12].

Педагогикада жуда кенг қўлланиладиган тушунчалар – маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар ёки маънавий тубанлик, худбинлик, танбаллик, каби иллатларнинг ўқувчи шахсида шаклланганлиги тўғрисида кўплаб мушоҳадалар олиб борилсада, бу ҳислатларни қандайдир методлар ёрдамида бирликларда ўлчаш мумкинлиги тўғрисида камдан-кам ҳоллардагина аниқ фикр ва муносабатлар билдирилган. Бунинг асосий сабаби шахс тарбияланганлигини аниқ ўлчамларда ёки кўрсаткичларда баҳолашнинг ўзига ҳос мураккаб жиҳатлари мавжудлигидадир. Шундай жиҳатлардан бири – шахсда у ёки бу ҳислатларнинг тарбияланганлик даражасини муайян бирликларда ўлчаш, яъни диагностика методларининг ишланмаганлиги бўлса, иккинчиси – жамиятнинг ижтимоий ривожланганлиги ва кадриятли муносабатларнинг ўзгаришига мос равишда мезонларнинг даражаларини ўзгариб боришидир.

Педагогик диагностика педагогиканинг назарий соҳаси сифатида валид ва ишончли диагностик методлар ва шахс ҳислатларининг шаклланганлик даражаларининг меъзонларини, олинган натижаларни интерпретация қилиш ҳамда амалиётла улардан тўғри ва самарали фойдаланиш қоидаларини ишлаб амалиётга жорий қилиш учун тавсия этади. Айрим ҳолларда бундай қоидалар фойдаланиш учун бирмунча осон бўлиши, айрим ҳолларда эса хаддан зиёд мураккаблик туғдириши, педагогдан диагностикага оид қўшимча билим, малака ва кўникма талаб қилиши ҳам мумкин.

Педагогик диагностиканинг назарий базаси биология, нейрпедагогика, ижтимоий педагогика, ижтимоий психология, этнопедагогика каби фан соҳалари билан узвий боғлиқдир. Шахс хулқ-атворида ўлчаниши режалаштирилган ҳислатлар ишончли методлар ҳамда аниқ меъзонлар асосида амалга оширилиши керак. Чунки шахснинг хулқ-атвори унинг нерв системаси, психофизиологик хусусиятлари ҳамда ижтимоий муҳит билан боғлиқдир [4].

Шу билан бирга, диагностика методларини тайёрлаш, танлаш ва амалиётда қўллашда шахснинг этнопедагогик жиҳатларини ҳисобга олиниши ҳам зарур омиллардан ҳисобланади. Мазкур омилларни эътибордан четда қолдириш эса шахс тўғрисида юзаки, ноаниқ ёки нотўғри диагностик натижалар олинишига ва, охир оқибатда, тарбиявий тадбирларни мақсадсиз режалаштириш ва етарлича самарасиз ташкил этилишига сабаб бўлади [5, 12-14].

Педагогиканинг амалий соҳаси сифатидаги ўрни - диагностика натижаларининг таълим-тарбия жараёнидаги барча босқичларда аҳамиятга эга эканлигидир. Бунда тарбиявий ишлар стратегияси (тарбиявий ишлар дастури, тарбиявий ишларнинг мажъмуавий режаси кабилар)ни белгилашдан тортиб, унинг тактик вазифаларини (дастур ёки режанинг бўлим ва бандлари ижроси ҳолати) бажариш йўллари белгилаш ҳамда тарбиявий тадбирлар таъсирида содир бўлган ўзгаришларни қайд қилишда муҳим аҳамият касб

этиши мумкин. Бу эса, ўз ўрнида, ўқитувчи ва тарбиячиларга таълим-тарбия соҳасидаги тадбирларни мақсадли амалга ошириш имконини беради.

Тўғри, шахсда фазилатларнинг шаклланиши ҳамда иллатларнинг баргараф этилиши бир-зумда содир бўладиган ходиса бўлмасдан, маълум даражада узоқ муддатни талаб қилади. Қолаверса, ҳар қандай ҳислатнинг (бу фазилат ёки иллат бўлишидан қатъий назар) шахс хусусияти сифатида шаклланиши бир неча босқичларни ўз ичига олади. Ўқувчида ижтимоий, ахлоқий ва касбий ҳислатларнинг шаклланганлигига оид маълумотлар педагоглар томонидан таълим ва тарбия технологияларини режалаштиришда стратегик аҳамиятга эга бўлади [6].

Шундай қилиб, педагогик диагностика педагогика фанининг назарий соҳаси сифатида замонавий диагностик методларни ишлаб чиқиш ва амалиётда самарали қўллаш, уларни даврий равишда текшириб тўлдириш, тузатиш ва ўзгартиришлар киритиб бориш масалалари билан шуғулланади. Бундан ташқари, амалиётчилар – ўқитувчи ва тарбиячилар томонидан педагогик диагностика методларининг тўғри қўлланилиши учун уларни тегишли услубий қўлланма ва йўриқномалар билан таъминлайдилар.

Адабиётлар:

1. Гулямов Д.Р. Нейропедагогика: назарий ва амалий жиҳатлари / Монография. –Тошкент: ТДПУ, 2018. -133 б.
2. Подласый И.П. Педагогика: в 3-х кн., кн.3: Теория и технология воспитания: учеб.для студ.вузов. –Москва: ВЛАДОС, 2007. 67-68-бетлар;
3. Фридман Л.М., Волков К.Н. Психологическая наука – учителю. -М.: Просвещение,1985.
4. Steven M.Platek, Julian Paul Keenan, and Todd K.Shackelford. Evolutionary Cognitive Neuroscience. The MIT Press Cambridge, Massachusetts, London, England.. 2007. -637 p.
5. Бодалев А.А. Столин В.В. Аванесов В.С. Общая психодиагностика. СПб.: Изд-во «Речь», 2000.

6. Гуломов Ж.Р. Таълим тизими ўрта бўғин бошқарув кадрларини тайёрлаш технологияси. –Тошкент: Наврўз, 2011. –Б.41-49.